

ЖОШЛИК СУЗВИ



1991 йил 1 январдан
чиқа бошлаган

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг газетаси

11 август, жума, 1995 йил
Сотувда эркин нархда. № 154 (1156)



ЎЗБЕКИСТОН — ҲУР ВАТАН, БОҒЛАРИНГ ГУЛГА ТЎЛСИН, ЕР ЮЗИНИ ШУҲРАТИНГ TUTGANLIGI ROST БЎЛСИН!

«Халқ сўзи»нинг байрамли анкетаси

ГАЛЛА МУСТАҚИЛЛИГИ — ВАТАН МУСТАҚИЛЛИГИ

1. Сиз ва жамоангиз истиқлол байрами қандай кутиб олаёсиз?
2. Мустақилликнинг тўрт йили мобайнида рўй берган қайси ўзгаришлари таъкидлашни истардингиз?
3. Истиқлолнинг янада мустақимлаши, аслоҳотларни муваффақиятли амалга ошириш бундан бундан кўра нимага эътибор бериш керак, деб ҳисоблайсиз?

Саидилҳом САИДРАҲ-
МОНОВ,

Дўстлик дон маҳсулотлари комбинати директори,
Жиззах вилоят кенгаши депутати:

1. Бу йил жамоамиз учун муваффақиятлар йили бўлди. Мустақиллик байрами яхши кайфият билан кутиб олаёмиз. Утган йилнинг шу муддатига нисбатан корхонада 81 миллион сўмликдан зиёд маҳсулот ишлаб чиқарилди. Олинган соф фойда эса тўрт миллион сўмга етди. Биз олий нави ун ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик. Хомашё учун янги бугдой ҳосилидан 62 минг тонна жамғариб қўйилди. Бугунги кунда биз ишлаб чиқараётган ун маҳсулоти Оҳангарон, Қашқадарё ва Хоразмдаги турдош корхоналар маҳсулотлари билан бемалол рақобатлаша олади.

2. Мустақиллик йилларида мамлакатимизда рўй берган энг катта ўзгаришлар қаторида мен пахта яққаҳокимлигини гапла мустақиллиги ҳисобига ўтказилган тилга олишни истардим. Собиқ Иттифоқ даврида гаплачилик иккинчи даражада соҳа бўлиб, боқимандалик кайфияти ҳукмрон эди. Шукурки, эндиликда, бу иллатдан фори бўлди. Қолаверса, корхоналарга берилган иқтисодий эркинлик айна муддао бўлди.

Илгари қандайдир иншоот қуралган бўлса, корхонага жиҳоз сотиб олинган бўлса, биз учун анча қийинчи-

лик туғирмоқда. Баъзан шундай жараён содир бўлади: фонди бор ташкилотнинг пули йўқ, пули бор ташкилотнинг эса фонди йўқ. Уларнинг ҳар иккаласи ҳам биздан маҳсулот ололмайдди. Оқибатда тайёр маҳсулот омиборхонада тўпланиб қолпти. Ишчиларга маош тўлашга қийналиб қолган вақтларимиз ҳам бўлди. Албатта, қўл қовуштириб ўтирганимиз йўқ, Тошкент, Сирдарё, Самарқанд, Қашқадарё, Жиззах вилоятларида шартнома асосида олтишта дўконда қалқоқлаб ун сотишни йўлга қўйдик. Шу тўғрисида ойига ўртача 600 тонна қўшимча унни сотувга чиқараямиз. Тақдирим, эркин ҳаракат қилиш учун корхоналар олдидан тўсиқ бўлмади керак. Бу нарса иқтисодий ислохотни тезлаштирадиган омиллардан биридир.

Бу йил биз 356 гектар майдонда пахта ҳам отиштиряймиз. Насиб қилса, ундан олинажак тодани сотиб, Швейцариянинг «Бюлер» фирмаси каби жаҳон андозларида маҳсулот берадиган янги ҳорижий ускуналар сотиб оламиз. Ўрдамчи хўжалигимиз, қолбаса цехимиз ишлаб турибди. Олти юзга яқин ишчи-хизматчиларни арзон гўшт, бепул сут билан таъминлаяймиз. Агар корхоналарга, айниқса, «Ўзлонмаҳсулот» давлат ҳиссалорлик корпорацияси бўлинмалари ва гаплачилик хўжалиқларига берилган иқтисодий эркинлик чекланмаса, улар ўз маҳсулотларини бемалол сотиб, олинган фойда эвазига ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтиришлари, мумкин бўларди.

Умуман айтганда, Ўзбекистонни жаҳон танияпти. Иқтисодий алоқаларини кўламини тобора кенгайтириб бораёти.

3. Корхонамиз кунига 350 тонна галлини қайта ишлаб, ун маҳсулоти ишлаб чиқариш қувватига эга. Лекин бугунги кунда саксон фоиз қувват билан ишлаяёмиз. Бунинг асосий сабаби — маҳсулотимизга республика миқёсида талаб ва эҳтиёж катталигига қарамадан, тайёр маҳсулот тақсимоти «фонд» атишлиқ расмий бюрократ билан чегараланиб қўйилган. Бу эса, биз учун анча қийинчи-

лик туғирмоқда. Баъзан шундай жараён содир бўлади: фонди бор ташкилотнинг пули йўқ, пули бор ташкилотнинг эса фонди йўқ. Уларнинг ҳар иккаласи ҳам биздан маҳсулот ололмайдди. Оқибатда тайёр маҳсулот омиборхонада тўпланиб қолпти. Ишчиларга маош тўлашга қийналиб қолган вақтларимиз ҳам бўлди. Албатта, қўл қовуштириб ўтирганимиз йўқ, Тошкент, Сирдарё, Самарқанд, Қашқадарё, Жиззах вилоятларида шартнома асосида олтишта дўконда қалқоқлаб ун сотишни йўлга қўйдик. Шу тўғрисида ойига ўртача 600 тонна қўшимча унни сотувга чиқараямиз. Тақдирим, эркин ҳаракат қилиш учун корхоналар олдидан тўсиқ бўлмади керак. Бу нарса иқтисодий ислохотни тезлаштирадиган омиллардан биридир.

Бу йил биз 356 гектар майдонда пахта ҳам отиштиряймиз. Насиб қилса, ундан олинажак тодани сотиб, Швейцариянинг «Бюлер» фирмаси каби жаҳон андозларида маҳсулот берадиган янги ҳорижий ускуналар сотиб оламиз. Ўрдамчи хўжалигимиз, қолбаса цехимиз ишлаб турибди. Олти юзга яқин ишчи-хизматчиларни арзон гўшт, бепул сут билан таъминлаяймиз. Агар корхоналарга, айниқса, «Ўзлонмаҳсулот» давлат ҳиссалорлик корпорацияси бўлинмалари ва гаплачилик хўжалиқларига берилган иқтисодий эркинлик чекланмаса, улар ўз маҳсулотларини бемалол сотиб, олинган фойда эвазига ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтиришлари, мумкин бўларди.

Умуман айтганда, Ўзбекистонни жаҳон танияпти. Иқтисодий алоқаларини кўламини тобора кенгайтириб бораёти.

3. Корхонамиз кунига 350 тонна галлини қайта ишлаб, ун маҳсулоти ишлаб чиқариш қувватига эга. Лекин бугунги кунда саксон фоиз қувват билан ишлаяёмиз. Бунинг асосий сабаби — маҳсулотимизга республика миқёсида талаб ва эҳтиёж катталигига қарамадан, тайёр маҳсулот тақсимоти «фонд» атишлиқ расмий бюрократ билан чегараланиб қўйилган. Бу эса, биз учун анча қийинчи-

лик туғирмоқда. Баъзан шундай жараён содир бўлади: фонди бор ташкилотнинг пули йўқ, пули бор ташкилотнинг эса фонди йўқ. Уларнинг ҳар иккаласи ҳам биздан маҳсулот ололмайдди. Оқибатда тайёр маҳсулот омиборхонада тўпланиб қолпти. Ишчиларга маош тўлашга қийналиб қолган вақтларимиз ҳам бўлди. Албатта, қўл қовуштириб ўтирганимиз йўқ, Тошкент, Сирдарё, Самарқанд, Қашқадарё, Жиззах вилоятларида шартнома асосида олтишта дўконда қалқоқлаб ун сотишни йўлга қўйдик. Шу тўғрисида ойига ўртача 600 тонна қўшимча унни сотувга чиқараямиз. Тақдирим, эркин ҳаракат қилиш учун корхоналар олдидан тўсиқ бўлмади керак. Бу нарса иқтисодий ислохотни тезлаштирадиган омиллардан биридир.

Н. ҲАЙИТБОВ
суҳбатлашди.



«Ўзбекистон темир йўллари» давлат акционерлик компанияси Фарғона бўлимининг Кўкюн станцияси наобатчи-диспетчери Одинара Акромова ўз касбининг устаси. Шу пайтгача унинг наобатчилик пайтида бирон кори-ҳол бўлмагани ҳеч ким эсламайди. Яқинда узоқ йиллар самарали меҳнати тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг Фахрий Ёрлиги билан мукофотланди. СУРАТДА: О. Акромова. Тохиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

ЎЗБЕК ОЛИМИГА ПОКИСТОН МУКОФОТИ

Ўзбек олими Раҳмонберди Мухаммаджонов урдушунослиги ривожлантиришда қўшган ҳиссаси, шунингдек, Ўзбекистон ва Покистон халқлари ўртасидаги маданий алоқаларни ривожлантириш борасидаги хизматлари учун Покистон Исломи Республикаси Президентининг Фармони билан «Шарафли меҳнати учун» нишони билан мукофотланди.

Тошкент давлат Шарқшунослик институти ўқитувчиси Раҳмонберди Мухаммаджонов меҳнат фаолиятининг асосий қисmini урду тилини ўрганиш, уни ўқитиш, ташвиқ қилишга бағишлаган педагоглардан эди. Узоқ йиллик маълумлик фаолияти давомида кўп шогирдлар еттиртди, ўзбек ёзуви ва шoirлари асарларини урду тилига, Покистон ёзувчилари асарларини эса ўзбек тилига таржима қилди. Р. Мухаммаджонов ўрта ва олий мактабларда урду тилини ўқитиш бўйича бир қанча методик қўлланмаларининг ҳам муаллифи.

мактаб ўқитувчиси Сайёра Мухаммаджоновани мамлакатга тақдиф этди.

8 август кунини Исломободда мукофотни топишириш маросими бўлиб ўтди. Покистон Исломи Республикаси Президенти Фарук Аҳмад Хон Легаарий Р. Мухаммаджоновнинг урдушунослиқдаги, икки мамлакат халқлари ўртасида маънавий алоқаларни ривожлантириш йўлида қилган хизматларини алоҳида таъкидлади.

Маросимда Ўзбекистоннинг Покистон Исломи Республикасидаги Намойиш ва муторат элчиси Наим Фойибов иштирок этди.

(УзА).

ПОРТУГАЛИЯГА БОЗОРНИНГ ПАСТ-БАЛАНДИНИ БИЛАДИГАНЛАР БОРИШАДИ

ЎЗБЕКИСТОНДА Амалий алоқалар маркази иш бошлаганига ҳам бир йил бўлди. Бу муддат ичида ташкилот — тадбиркорларнинг омуравилик ҳаммаслари билан алоқа боғлаши, уларнинг жаҳон бозори талаблари билан таъминлаш борасида талабга ишлар қилишга эътибор.

— Бу йил йигирма нафардан кўпроқ тадбиркорларнинг Германиянинг Дармштадт шаҳрига Оврупо тадбиркорларининг амалий урдушунога олиб бордик, — дейди марказ директори Шухрат Охунжонов. — Ҳамюртларимиз у ерда ўзларига шерик изладилар, айрим фирмалар ҳозир овуруполиклар билан иқтисодий алоқаларни йўлга қўйишга эришди.

Шу йил ноябрь ойида Португалияда тадбиркорларнинг амалий иккинчи учрашуви ўтказилди. Бу анжуманда мамлакатимиз вакиллари ҳам иштирок этдилар. Унда 54 мамлакатдан уч минг нафардан ортиқ тадбиркор қатнашди. Уни ўтказишдан мақсад кичик ва урта бизнесни ривожлантириш, тадбиркорларнинг ўзаро ҳамкорлигини йўлга қўйиш, бизнес ва ишбилармонлик соҳасидаги илгор иш таърибаларини оммалаштиришдан иборатдир.

Айни кунларда амалий алоқалар марказида Лиссабон учрашуви қизгин тайёрланиб кўриляпти. Марказ ходимлари энг яхши тадбиркорларни суҳбатлар жараёнида танила оладилар. Жаҳон бозорининг паст-баландини яхши тушунадиганлар эса мазкур марказ ҳисобидан Португалияга боришади.

Б. ПУЛАТОВ.

ФАОЛАР ЙИГИЛИШИ

Самарқанд вилояти фаолларнинг йиғилиши бўлди. Унда республика вазирилар Маҳкамасининг шунинг 29 июлда бўлиб ўтган мажлисида Президент Ислам Каримов ўртага қўйган вазифалар муҳокама қилинди.

Тегишли идора ва ташкилотлар раҳбарларининг йилнинг биринчи ярмида вилоятнинг иқтисодий ривожлантиришни жаддалаштириш борасида қандай ишлар амалга оширилгани тўғрисидаги ахбороти тингланди.

Сўзга чиққанлар кейинги вақтда вилоятда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш борасида ижобий сиқиллар юз берганини қайд этган ҳолда мулкни давлат тасарруфидан чиқариш, молиявий барқарорликни таъминлаш, халқ истеъмолчи моллари ишлаб чиқариш, аҳолини иш билан банд этиш борасида мавжуд имкониятлардан тулиқ фойдаланилмаётганини таъкидладилар, бу камчиликларга барҳам бериш чора-тадбирларини белгилادилар.

Йиғилишда вилоят ҳокими П. Абдурахмонов сўзга чиқди.

ЯНГИЛИКЛАР * ФАКТЛАР * ВОКЕЛАЛАР

ЎЗБЕКИСТОН: ИСТИҚЛОЛ ОДИМЛАРИ

«Халқ сўзи» ва УЗА мухбирлари
хабар қиладилар

ШАРОФ ТЎҒИЗОВ НЬУ-ЙОРК ФАНАЛАР АКАДЕМИЯСИНИНГ ҲАҚИҚИЙ АЪЗОСИ БЎЛДИ

Урғуннинг Санчқула қишлоғида туғилган 36 ёшли бу йиғилишнинг номи жаҳондаги кўп қисм мамлакатларнинг микробиологлари ўртасида машҳур.

1976 йилда мактабни олтин медал билан тугатган Шароф Самарқанд қишлоқ хўжалик институтининг ветеринария факультетига ўқишга кириди. Сўнгра Москва эксперименталь ветеринария илмий-тадқиқот институти аспирантурасида таҳсил қўрди. Аспирантлик пайтидаги гнбрид ва мутант туқмаларини олиш соҳасида катта илмий кашфиётга қўл урди.

Тиббиёт фанлари академиясида ишлаганида ҳам бу соҳада ечимини кутаётган доллар муаммоларини тадқиқ қилди.

Кейин уни Кубага тақдиф этишди. У ерда биотехнология марказида ишлади; халқаро илмий анжуманларда иштирок этди. Самарқандлик ёш олимнинг иланишлари жаҳондаги жуда кўп йирик тадқиқот марказлари эътиборини жалб қилди.

Айни пайтда у Калифорния университетига ишляпти. Чет эллардаги илмий жўрналда чоп этилган мақола-лари, кашфиётлари учун ҳамюртимиизга фалсафа фанлари доктори илмий унвонини берилган. У Вирусология ва биотехнология соҳасида жаҳонга машҳур олим сифатида танилди.

ОТА ИЗИДАН

ЎЗАФА Ботаника илмий тадқиқот институти лаборатория мудири Қадҳор Хожиматов ўзининг муваффақиятлари буйича жуда кўп шогирдлар тайёрлаган. Ҳозир уларнинг бир қисми МДХ мамлакатларида ишляпти. Яқинда ўли Олимжон ҳам ТошДўнинг биология факультетини битириб отаси ишляётган даргоҳда ишга келди.

СУРАТДА: ота-бола Хожиматовлар.

ХАЛҚАРО «ОЛТИН МЕДАЛЬ» — ЎЗБЕКИСТОН ФУҚАРОСИГА

Америкадан хушхабар келди. Унда «Ўзбексугурта-Хауден Лиху», Ўзбекистон — Британия сўзгучи хизмати акционерлик жамияти Президентини Сайфуддин Бузрукхўжаев Халқаро бизнес ва маъмулар илгорларининг «Моҳир сўзгучи» олтин медали билан тақдирланганига баён қилинган.

Мазкур хабарда Ўзбекистонда Халқаро сугурта ишлари юқори суратлар билан ривож топётгани эътироф этилган. Шунинг учун ҳам дунёдаги боорум таъкилотлардан бири Халқаро сугурта илгорлари форуми мамлакатимизда шу соҳа ишларини ўрганган махсус комиссия ҳулосасига таяниб, С. Бузрукхўжаевни ўзининг нуфузли мукофоти билан тақдирлади.

«Ўзбексугурта — Хауден Лиху» қўшма корхонаси мана бир йилдан бунён мамлакатимиз ва хориждаги мижозларига самарали хизмат кўрсатиб келмоқда. Унинг раҳбари халқаро мукофот билан тақдирлангани Ўзбекистоннинг ўз тараққиётини йўлга қўйишда қилган таъкидланган, жаҳон ҳамжамиятида овуру-эътибори ортиб бораётганидан далолатдир.

ПАРРАНДАБОҚАРАЛАР КИЙИМ ТИКИШАПТИ

Каттақўрғон паррандачилик корхонаси қишлоқ тилга тўқиб, тикиш-бичиш, нутрициялик каби соҳалар билан шуғулланувчи 13 та ёрдамчи бўлим фаолият кўрсатмоқда. Марғилонлик чармгар уста Абдуманнон Тўйчиев раҳбарлигида тайил этилган терини қайта ишловчи бўлимда эса 10 нафар ёш меҳнат билан банд.

СУРАТДА: тикувчи З. Қўймова.

ДЎСТАК ТИЛ ТАРЖИМАГА МУҲТОЖ ЭМАС

Ўзбекистон Халқаро маданий-мағрифий алоқалар миллий уюшмасида бўлиб ўтган учрашувда Ўзбекистон ва Япония талабалари таржимонсиз суҳбатлашдилар.

Учрашув япониялик ўқувчи ёшлар гуруҳининг республикамизга келишига бағишланган эди. Япониялик йиғит-қизлар ўз тендошлари оилаларида ишлядилар. Улар ердамда ўн кун давомида Тошкент ва Самарқанднинг тарихий ёдгорликларини томоша қилдилар, музейларда ва олий ўқув юрғларда бўладилар.

БМТ ВАКИЛАРИ БУХОРОДА

Бирлашган Мамлакатлар Ташкилати тараққиёт дастури мавмури Жеймс Сплет БМТнинг Ўзбекистондаги ошмий вақли Халид Малик ҳамроҳлигида Бухорога келди.

Хорижий меҳмонлар Бухоройи шарифнинг тарихий обидаларини зиёрат этди, вилоят ҳокими Мавлон Раҳмонов билан учрашди.

Учрашув чоғида қадимий шаҳар обидаларини таъмирлаш, вилоятдаги экология вазиати, тадбиркорлик ва хусусийлаштиришни ривожлантириш каби масалалар муҳокама қилинди. Ж. Сплет мазкур масалаларда БМТ тараққиёт дастури амалий кўмак бериш имконияти мавжудлигини таъкидлади. (УзА).

Хусусийлаштириш одимлари БИРЖАНИНГ БОЗОРИ ЧАҚҚОН

«Тошкент» фонд биржасининг «Шарқ ЛТД» шохбаси республикамизда биринчи бўлиб Анджон шаҳрида очилди. Унинг дастлабки савдоси гўш уюшқоқлик билан ўтди.

24 та акционерлик жамиятлари акциялари ва фонд биржасининг 4 та брокерлик уриллари эркин савдога қўйилди. 19 та ҳиссадорлик жамиятига тегишли 10 миллион сўмликдан кўпроқ қимматбаҳо қоғозлар харид этилди.

Шоҳобчининг иш бошлаши давлат мулки бўлган корхона-ларни акционерлаштиришни жаддалаштириш ва қимматбаҳо қоғозлар бозорини тақомиллаштиришга хизмат қилади.

Ш. ФОЗИЛЖОНОВ.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЛЮТА БИРЖАСИДА

Ўзбекистон Республикаси Валюта биржасида 1995 йил 10 августда бўлиб ўтган савдода Ўзбекистон Республикасининг хорижий валютада операцияларни амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган Банкар иштирок этди.	1 Ирландия фунти 51,31	1 Латвия лати 60,27
Сотува ҳажми 7,86 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Бир АҚШ долларининг қиймати — 31,40 сўм даражасида қайд этилди.	1 Исландия кронаси 0,49	1 Литва лити 7,85
Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1995 йил 10 августдан бошлаб ҳисоб ва боқона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қийматдаги қийматини белгилди. *)	10 Испания песети 2,61	1 Козогистон тенгеси 0,58
1 Австралия доллар 23,23	100 Италия лираси 1,98	1 Молдова лейи 6,93
1 Австрия шиллинги 3,18	1 Канада доллари 23,10	1000 Беларусь рубли 2,73
1 Англия фунт стерлинги 50,22	1 Кувейт динари 104,43	Марказий банк 1995 йил 11 августдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси махсус пул алмаштириш пунктларида фойдаланиш учун нақд АҚШ долларининг қийматини белгилди:
10 Бельгия франки 10,85	1 Германия маркаси 1,94	— Сотиб олиш қиймати: 1 АҚШ доллари — 31,40сўм.
1 Голландия гульдени 19,94	1 Норвегия кронаси 5,07	— Сотиб олиш қиймати: 1 АҚШ доллари — 31,40сўм.
1 Греция драхми 1,39	10 Португалия эскудоси 2,15	
1 Дания кронаси 5,76	1 Сингапур доллари 22,53	
1 АҚШ доллари 31,40	1000 Туркия лираси 0,68	
1 Миср фунти 9,25	1 Финляндия маркаси 7,47	
	1 Франция франки 6,46	
	1 Швеция кронаси 4,40	
	1 Швейцария франки 27,02	
	1 ЭКЮ 41,57	
	10 Япония иенаси 3,42	
	1000 Россия рубли 7,13	
	1 Эстония кронаси 2,81	
	1000 Украина карбованеци 0,21	

ЯНГИЛИКЛАР * ФАКТЛАР * ВОКЕЛАЛАР

Республикаимиз мустақиллигининг 4 йиллиги олдидан

Туркистон — умумий уйимиз

Дори-дармон билан таъминлаш мақсадида

Қирғизистон Республикаси аҳолисини зарур дори-дармон билан таъминлаш мақсадида Германия 3,5 миллион марка миқдориди маблағ ажратди.

Мазкур маблағ асосан, қишлоқ жойлардаги фельдшер-акушерлик нуқталарини дори-дармон ва зарур ускуналар билан таъминлашга йўналтирилади. Шу маблағ ҳисобидан 83 та тиббий пунктга ёрдам кўрсатиш ишлари бошланди.

Янги элчи иш бошлади

Душанбеда АҚШнинг Тожикистон Республикасидаги янги элчиси этиб тайинланган Грант Смит иш бошлади.

Шу муносабат билан у Тожикистон Республикаси Президенти Имомали Раҳмоновга ишонч ёрлигини топширди.

Яна бир қўшма корхона


Хўжанд шаҳрида Тожикистон — Жанубий Корея «Кабул — Таджиқ текстил» қўшма корхонасининг дастлабки навбати ишга туширилади.

Корхона 36 миллион доллар низоми жамғармасига эга.

Маблағнинг 29 миллион долларига ускуналар сотиб олинди. Фабрика тўла ишга тушгач, унда 2 минг киши меҳнат қилади. Корхонада йилгига 44 миллион квадрат метр газлама, 2700 тонна ип ишлаб чиқарилади.

Фабрика учун кадрлар тайёрлаш, уни ускуналар билан таъминлашни Жанубий корейликлар ўз зиммасига олган.

Жанубий Кореяда касб ўрганиб қайтган ёшлар шу юрт мутахассислари бошчилигида меҳнат қилмоқда.



СУРАТДА: Қозғистон Республикаси Марказий давлат музейи.

Тўёна

Алматида Абай Қўнанбоевнинг қозоқ тилидаги икки жиллик асарлар тўплами нашрдан чиқди.

Бу тўплам оқиннинг 150 йиллик тўйи муносабати билан эълон қилинди. Нашрни Мухтор Аvezов номидаги адабиёт ва санъат институти ходимлари тайёрладилар.

Тўпламнинг аввалги нашрлардан фарқи шундаки, унда шоир ва файласуфнинг шу давргача топилган барча асарлари ўрин олган.

Ҳиндистоннинг тошкентдаги маданият маркази ҳар ҳафтада уч марта

Ўзбек, рус ва ҳинди тилларида Сешанба кuni - соат 18.00 - 20.30 Пайшанба кuni - соат 18.00 - 20.30 Шанба кuni - соат 15.00 - 17.30 ҲИНД БАДИИЙ ФИЛЬМЛАРИНИ КўРСАТАДИ Томошабилар аввалдан ёки 33-33-65 телефон орқали буюртма бериб оладиган таклифномалар билан киритилади. Фильмлар бепул намойиш этилади. Манзиллар: Тошкент шаҳри, Свердлов кўчаси, 21-уй (собиқ Тельман номи боғ атрофи).

"NURSE"

акционерлик компанияси куйдагиларни сотади:


- 1. Чет элда тайёрланган паркет шаклидаги расмги ленолум.
2. Комплект ҳолдаги фюрнитуралари (4 хил рангда) сантехника ускунаси-Хитойда тайёрланган.
3. Чет элда тайёрланган 100 номдаги халқ истеъмол моллари.
4. Озиқ-овқат маҳсулотлари- АҚШ да тайёрланган.

Ҳақ тўлаш усули - ахтиабрив.

Манзил: Буюк Турон кўчаси, 41, 1420-хона. Телефонлар: 33-83-77, 36-58-13.



ЭРИШИЛГАН ЮТУҚЛАРИНИНГ ЭНГ МУҲИМЛАРИДАН БИРИ — ОДАМЛАР БОЗОР ШАРОИТЛАРИГА МОСЛАШИБ БОРМОҚДА



ХОНАДОНДА ҚЎШ БАЙРАМ

Турсуной опа Юсупова Сағбон кўчасининг ҳар бир муволаҳини яхши билади. Унинг болалиги шу ерда, Тошкентнинг эски шаҳар қисмида ўтган, фарзандлари Забихулло ва Файзулло шу ерда туғилган. Севимли навараси Нурилло «Ойи» деган ширин сўзи шу ерда биринчи бор айтган.

Мустақилликнинг тўрт йиллиги арафасида Турсуной опа янги уйга кўчиб ўтди. Унга ҳамма қўлайликлари бўлган уч хонали квартира берилди. Метро бекати жуда ҳам яқин. Турсуной опа янги уйланидан ҳам, Сағбон кўчаси чиройли ва обод бўлганидан ҳам хурсанд. Калҳовузу каналига қурилган янги кўприк Қўшут қиёфасини ҳам бутунлай ўзгартириб юборди.

МИЛЛИЙ МАРОСИМЛАР УЙИ

Наманган шаҳрининг Совет туманида барпо этилмоқда. Уни Намангандаги 10-трестга қарашли қурилиш бошқармаси бунёдкорлари қурмоқда. Мустақиллик байрами арафасида очилиши кўзда тутилган мазкур объектда иш бир зум тўхтаётгани йўқ. Объект фойдаланишга топширилгач, бу ерда турли маросимлар, тантаналарни юксак савияда ўтказиш имкони яратилади.

СУРАТЛАРДА: участка бошлиги Рустамжон Ғофуров (чапда) Ўзбекистонда хизмат кўрсатган бинокор, қурувчилар бригадаси сардори Муҳаммаджон Ҳусанбоев билан келгуси ишлар ҳусусида фикрлашишяпти; қурувчилар (чапдан ўнгга) Эргаш Чорибоев, Ҳабибулло Тухтамирзаев, Асқаржон Абдуллаев ва Абдурахим Холиқовлар иш пайтида.

Муҳаммад АМИН сураатга олган.

Ислохот қирралари

БОЗОР КЎПАЙСА НИМА БЎЛАДИ?

Эллик йил муқаддам Қорабдол бозори худди Челақ бозоридек машҳур эди. Юздан зиёд қишлоқлардан харидорлар келишарди.

Яқинда Қорабдолда бўлганимда ўша бозорнинг бор-йўқлигини суриштирдим. — Деярли бозор бўлмапти, — деди ширкатлар уюшмаси раиси Мамадиёр Оролов. — Нега?

— Бозор иқтисодий эҳти экан, ҳар қишлоқнинг ўз бозори очилди. Рақобат қучайиб кетди. Кўп бўлгани йўқ, Галлаоролнинг Гулчамбар қишлоғида янги бозор очилди. У тез кунда атрофдаги барча туман бозорла-

рига таъсир ўтказмай қолмайди.

Раиснинг гапида жон бор экан. Яна кўп бозорчилардан эшитдим. Гулчамбар бозорига минг турдан зиёд саноат ва рўзгор буюмлари, яна юзлаб ҳунармандларнинг маҳсулотлари тушаркан. Чорва молларини айтмайсизми? Географик жойлашуви ҳам қулай. Зармитан йўлида, Жиззах, Са-

Х. НАБИРАЕВ, ўз мухбиримиз.

Хусусийлаштириш

22 ТА АВТОМАШИНА, 1 ТА ТРАКТОР КЎЙИЛДИ

Томди туманида илк бор ўтказилган «Кимошди» савдосида, аввало, харидор манфаати эътиборда бўлди.

Боиси ушбу савдога қўйилган мулкларнинг асосий харидорлари фермерлар эди. «Кимошди»дан мақсад эса уларга ёрдам бериш ва

тадбиркорликни ривожлантиришди. Республика кўчмас мулк биржаси Навоий вилоят бўлими ҳамда вилоят давлат

мулкни хусусийлаштириш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бошқармаси таклифи билан ўтказилган ушбу савдога 22 та автомашина, 1 та трактор ва «Томдидан»га қарашли 6 та дўкон қўйилди. Бошланғич баҳоси жами 68 минг сўм бўлган мулк 158 минг сўмга сотилиб, ўз эгаларини топди.

Т. ЭШБОЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ШУНДАЙ КОРХОНА БОР

Бугунги кунда Беруний туманида халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш, қурилиш ашёлари етказиб бериш, тижорат каби хизмат турлари билан машғул бўлган етмишдан зиёд кичик корхона мавжуд.

«Нур» — ана шу корхоналардан бири. Унинг ташкил топиши туманда олтиинчига яқин одамни доимий иш билан банд қилиш имконини берди.

Маҳсулот қўламини ва сифатини муттасил ошириб боришга эришадиган мазкур кичик корхона асосан қурилиш ашёларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Жумладан, мрамар тахтачаларни тайёрлаб бериш унинг асосий иш жаҳазларидан биридир. Айтарлик даражада мураккаб дастгоҳларга эга бўлмаган корхона ҳозирги пайтда ойига 450-500 куб метр ҳажмдаги мрамар тошларни қирқиб, қимматбаҳо қурилиш ашёларини тайёрлашга эришмоқда.

Ҳайитбой АБДУСОДИҚ, «Халқ сўзи» мухбири.

ҚАРШИЛИКЛАР ТОРТИГИ

Қаршида истиқлол байрамига бағишланган вилоят туманлари кунлари бошланди.

Вилоят марказига энг яқин Қарши тумани деҳқонлари ўзлари етиштирган ширин-шакар полиз ва сабзавот маҳсулотлари, мева ва узум ҳамда бошқа ноз-неъматларни шаҳарликларга тортиқ қилди. Саноат моллари кўргазмаси ташкил этилди. Энг яхши кўшиқчи ва раққосалар ижросида концерт берилди.

Қишлоқда ислохот қандай борапти?

ИТАЛИЯ ВА РУМИНИЯ БИЛАН ҲАМКОРЛИКДА

Шаҳрихон атлас тўқш фабрикаси қошида қуриляётган баркут фабрикаси битгач, неча юзлаб илгит-қиллар иш билан таъминланади, жаҳон бозорига рақобатбардор маҳсулот ишлаб чиқарилади. Энди унинг қошида яна иккита қўшма корхона ташкил топадиган бўлади.

Италиянинг «Касками СЭТа» фирмаси билан ҳамкорликда «Шаҳри ипак» дунёга келди. Келгусида пилла чиқиндиларидан йилгига 96 тонна ипак калава ишлаб чиқариш мумкин. Шуниси муҳимки, маҳсулот дунё бозорига ўта харидорғир бўлган штапел учун калава тайёрлаш имконини беради. Масала-

М. ТОЖИЕВА, «Халқ сўзи» мухбири.



ШОҲБЕКАТ ҚУРИЛИШИ БОШЛАНДИ

Қорақалпоғистон Республикаси пойтахти Нукус шаҳрининг жанубидаги маэистрал йўллар тўташидан жойида ушбу автошохбекат қуриля бошлади.

Бу ердан Қорақалпоғистоннинг барча йирик аҳоли пунктлари, Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Урганч, қўшни Туркманистоннинг Тошхўвуз шаҳарларига мунтазам автобус қатнови йўлга қўйилади. Соатига 500 йўловчига хизмат қиладиган бу шохбекатда оналар ва болалар хонаси, маданий-маиший хизмат шохбечалари йўловчилар хизматида бўлади. Иншоотни Таҳиятош уйсозлик комбинати бунёд этмоқда. Нукус шаҳрининг жанубий дарвозаси бўлиб қоладиган шохбекат келаси йили фойдаланишга топширилади.

ЁРДАМ

«Маҳалла» хайрия жамғармасининг Жиззах вилояти бўлими Мустақиллик байрамида ўтказиш юзасидан тадбир белгилади.

Бир қанча корхона ва ташкилотлар бу хайрилийи қўллаб-қувватлайдиган бўлди. Жумладан, вилоят электр тармоқлари корхонаси, давлат мулкни хусусийлаштириш бошқармаси, «Атлас» фирмаси, «Жиззахўлтуржисавдо» бирлашмаси хайрия учун маблағ ажратишга қарор қилди.

ТАДБИРКОРЛАР САХОВАТИ

Қувасойда истиқлолнинг 4 йиллиги арафасида эҳтиёжманд ва ёғиз оилаalarda тарбияланаётган 25 нафар кичиксыйлининг хатини тўйи ўтказилди.

Шаҳар тадбиркор аёллари ана шу ишга бош-қош бўлади. Асосий харажатларни Гулчехра Шарофиддинова раҳбарлик қилаётган «Моҳидиля», Мухаббатхона Алимбекова бошчилигидаги «Ёқут» фирмалари кўтаради.

Ф. ШОДМОНАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Акс-садо

СУГОРИЛАДИГАН ЕРЛАРДАН 40-45 ЦЕНТНЕРДАН ГАЛЛА ОЛИШ МУМКИНИМИ?

«ХАЛҚ СЎЗИ» 1995 ЙИЛ 1 ИЮНЬ

УШБУ мақолада дон экинлари ҳосилдорлигини ошириш имконини берадиган учта асосий тамойил: эрта пишир ва серҳосил янги навларни яратиш, илмий асосланган уруғчилик тизимини вужудга келтириш ҳамда галлачиликни тўла механизациялаш муаммолари ва уларнинг ечимлари ҳусусида сўз юритилган эди.

«ХАЛҚ СЎЗИ» газетаси мамлакатимизнинг енгил бўлиб насларидан бири бўлиб, ўз саҳифаларида чоп этилаётган доллар, ҳаётчан ва сермазмун мақолалари билан қишлоқ ахлининг, шу жумладан, қишлоқ хўжалиги мутахассисларининг ҳам сезимли газетасига айланган. Қўрали ва халқроқ мақола кундан кунга охиб бораётган Ўзбекистонимизнинг галла мустақиллигини таъминлаш борасида олиб борилаётган улкан ишларда «Халқ сўзи» газетаси ва унинг ижодкорлари биз билан ҳамнафас бўлаётганлиги таъминлаш бўлиб қолди.

Газетанинг 1995 йил 1 июнь сонига чоп этилган «Сугориладиган ерларда 40-45 центнердан галла олиш мумкинми?» мақола ва хусусида қишлоқ хўжалик вазирлигининг мутахассислари кўйидаги фикрларни билдиришни зарур деб ҳисоблайдиз.

Республика мустақилликка эришган кундан бошлаб, Президентимиз ташаббуси билан мамлакатнинг галла мустақиллигини эриштириш, аҳолининг ун ва нон маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини ўзинида етиштирилган дон ҳисобига таъминлаш бўлиб катта ишлар амалга оширилди, ва охирида қолди.

Экин майдонларини кенгайтириш билан бир қаторда, галла ҳосилдорлигини кескин кўтариш кўзда тутилмоқда. Масалан, республикамиз галлакорлари бу йил сугориладиган ерларда галла етиштиришни 2800 миң тоннага етказиш учун ҳар гектар ердан 30-35 центнердан ҳосил олишга ҳаракат қилинмоқда.

Лектин республикада галла етиштиришни кўпайтириш учун экин майдонларини кенгайтириш зарурлиги ҳақида мақола муаллифлари — Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги фанлари академияси вице-президенти, академиги Шукурullo Йўлдошев, «Галла» илмий ишлаб-чиқариш бирлашмаси бош директори Курбон Эшмирзаев, Ўзбекистон қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва

электрлаштириш илмий-тадқиқот институти лаборатория мудири Наримон Солихов ҳеч нима дейишмайди. Аксинча, мақоланинг тағсирлашасига қараганда улар галлазорларни кенгайтиришга ишончсизлик билан қарашадек бўлиб туюлади.

Хозирги кунда ҳар гектар сугориладиган ерлардан 40-45 центнердан ҳосил олиш мумкинми, деган савол турмайди. Албатта мумкин. Андижон вилояти хўжаликлари мана бира неча йил мобайнида ҳар гектар ердан 35-45 центнер, илгор туманлар 40-45 центнер, бир қатор хўжалик бригада ва эвенолар эса 50-60 центнер ва ундан ҳам юқори ҳосил олмақдалар.

Истардиқчи, ҳурматли олимлар ўзларининг фикр-мулоҳазаларида галла ҳосилдорлигини оширишни фақат интенсив технологияларни тадқиқ қилиш ёки айрим навлар ҳосилдори эриштириш кўрсатиб ўтмасдан сув танқислиги чоғида қандай янги усуллари қўллаш ёки минерал ўғитларини айрим турлари етиштириш турганда улардан фойдаланиш каби муаммолар ҳақида мулоҳаза юритсалар. Афсуски, мақолада бу ҳақда ҳам ҳеч гап айтилмаган.

Шу билан бирга қишлоқ хўжалиги академияси вице-президенти Ш. Йўлдошевнинг эрта мунддатларда — августнинг охири ва сентябрь ойида кузги навлар саналиши «Ебос» ва «Санзор» — 8 навларини сугориладиган ерларда гектарига 80-100 кг сарфлаб экин керак, деган фикрига қўшилиш олмайдими. Биринчидан, бу усул ҳали кенг миқёсда амалий синовдан ўтмаган, иккинчидан, қўчанинг хато бўлиб қолиши хавфи кескин ортади.

Аксинча, биз сугориладиган майдонларда тўлиқ бугдой қўчати олиш учун экин миқдорини камайтириш эмас, балки 200-220 килограммгача қўпайтириш ва экинни энг мақбул мунддатларда — 15 октябрда қўчилишни мақсадга мувофиқ, деб ҳисоб-

лаймиш. Бошқоқли дон экинлари уруғчилигини ривожлантириш бўйича Вазирлар Маҳкамаси қатор муҳим қарорлар қабул қилган. Республиканинг бугдой ва арпа уруғига бўлган эҳтиёжи кафолатланган юқори репродукцияли уруғлик билан тўла таъминлаш илмий-тадқиқот муассасалари, уруғчилик хўжалиқларига вази-фа қилиб топширилган. Аммо, бу ҳақда «Галла» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори К. Эшмирзаев мақолада ҳеч нарса демаган.

Шуни айтиш керакки, мақола ўз вақтида чиқмаган. Бугун галлакорлар учун қизғин палла — ҳосилни ёппасига ўриб-йиғиш бошланган. Шундан келиб чиқиб, хозирги кунда етиштирилган ҳосилни қисқа мунддатларда нобудгарчиликка йўл қўймасдан йиғиштириб олиш, уруғлики жамғариш, давлатга сотиш ва чорвачилики эм билан таъминлаш вазифаси турибди.

Ўзбекистон қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва электрлаштириш илмий-тадқиқот институти лаборатория мудири Наримон Солихов галлачиликни механизациялаш бўйича муаммолар тўғрисида ўз фикрини билдирган. Бу муаммолар ечимини муаллиф асосан янги техника ва технологияларни яратиш орқали кўраётти. Лектин янги техника ва технологиялар қанча яратилади, неча йилдан кейин дехонга бериб етатилади. Бу тўғрисида ҳеч гап айтилмаган. Техникалар эса хозир керак, улар билан таъминлаш масаласини тезроқ ҳал қилиш зарур.

Янги техникалар яратишиб, ишлаб чиқаришга қадар хўжалиқларнинг ўз ихтиёсларида қолаётган пахта толаси ҳисобига ўрм қомбайнлари, дон машиналарини Россия, Украина ва бошқа давлатлардан олиб келиш мумкин. Шу билан бир қаторда АҚШ, Германия фирмалари, масалан «Кейс», «МДВ», «Леткус»ларда ишлаб чиқарилаётган, дунё бозорига номи чиққан қомбайн ва дон тозалаш машиналарини қисман сотиб олиб келиш мақсадга мувофиқдир. Қолган машиналарни эса республикамизда жойлашган машинасозлик корхоналарида ишлаб чиқариш ва улар билан хўжалиқларини таъминлаш мумкин. Бу масалада алоҳида дастур тайёрланган, лектин унинг амалга оширилиши кенчиктириляпти.

Ўза қатор ораларига бугдой экила бошланганига уч йилдан ошганлигига қарамай, «пахта култиватори базасида севляка яратиш борасида кўпгина ишлар қилган» Н. Солиховнинг ўзини ҳам тан олишча, дехонларнинг ўзлари қўлда яратган мосламалардан оз бўлсада фарқ қилмади. Оқибатда қўлда нам етарли бўлмаган Бухоро, Навоий, Сурхондарё вилоятларида бугдойни текис ундириб олиш катта муаммо бўлиб қолмоқда. Бу эса қишлоқ хўжалигини илмий таъминлаш муассасаларининг дехонлар эҳтиёжига етарли аҳамият бермаётганлигига бир далилди.

Ж. ҚўЧҚОРОВ, қишлоқ хўжалик вазирининг биринчи муовини.

Мухбир бонг уради

УШБУ вилоятда 1995 йили 326000 тонна дағал-хашак жамғариш режалаштирилган. Шунинг 200000 тоннадан зиёددир чорвачиликка ихтисослашган Нурота, Қонимех, Томди ва Учқудуқ туманларидаги чўпон-чўлиқлар ғамлашлари лозим.

ДАҒАЛ-ХАШАК тайёрлаш бўйича бўлган маълумотлар ушбу туманларда бу юмуш ўлда-жўлда бажарилаётганини кўрсатиб турибди. Бу қўғоздаги гаплар. Хўш амалдагиси-чи?! Нега ушбу туманларда қишлоқга

Узбекистон қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва электрлаштириш илмий-тадқиқот институти лаборатория мудири Наримон Солихов галлачиликни механизациялаш бўйича муаммолар тўғрисида ўз фикрини билдирган. Бу муаммолар ечимини муаллиф асосан янги техника ва технологияларни яратиш орқали кўраётти. Лектин янги техника ва технологиялар қанча яратилади, неча йилдан кейин дехонга бериб етатилади. Бу тўғрисида ҳеч гап айтилмаган. Техникалар эса хозир керак, улар билан таъминлаш масаласини тезроқ ҳал қилиш зарур.

Янги техникалар яратишиб, ишлаб чиқаришга қадар хўжалиқларнинг ўз ихтиёсларида қолаётган пахта толаси ҳисобига ўрм қомбайнлари, дон машиналарини Россия, Украина ва бошқа давлатлардан олиб келиш мумкин. Шу билан бир қаторда АҚШ, Германия фирмалари, масалан «Кейс», «МДВ», «Леткус»ларда ишлаб чиқарилаётган, дунё бозорига номи чиққан қомбайн ва дон тозалаш машиналарини қисман сотиб олиб келиш мақсадга мувофиқдир. Қолган машиналарни эса республикамизда жойлашган машинасозлик корхоналарида ишлаб чиқариш ва улар билан хўжалиқларини таъминлаш мумкин. Бу масалада алоҳида дастур тайёрланган, лектин унинг амалга оширилиши кенчиктириляпти.

Ўза қатор ораларига бугдой экила бошланганига уч йилдан ошганлигига қарамай, «пахта култиватори базасида севляка яратиш борасида кўпгина ишлар қилган» Н. Солиховнинг ўзини ҳам тан олишча, дехонларнинг ўзлари қўлда яратган мосламалардан оз бўлсада фарқ қилмади. Оқибатда қўлда нам етарли бўлмаган Бухоро, Навоий, Сурхондарё вилоятларида бугдойни текис ундириб олиш катта муаммо бўлиб қолмоқда. Бу эса қишлоқ хўжалигини илмий таъминлаш муассасаларининг дехонлар эҳтиёжига етарли аҳамият бермаётганлигига бир далилди.

Ж. ҚўЧҚОРОВ, қишлоқ хўжалик вазирининг биринчи муовини.

нг 105 тадан кўзи берасан, дейди. Хўп демасак, кўзини санайди. Тўртта молнинг кўзи қўйганмисан, туноққорсан. Қани, ўзингни оқлаб кўр-чи?! Нега, сеники қисир қолмайди-да, давлатники қисир қолади? — деб, роса «обориб-обкелади». «Шахсий молларингга олган ем-хашакнинг фактурасини кўрсат», дейишади. Хўш, қайқдан кўрсатасан? Ахир бу хашакларни бола-чақам билан бутун ёз бўйи тирноқлаб йиққанман, деб кўрчи. Хуллас, ҳаммасига рози бўлсан. Кейинги кўкламга яна сукунат бошланади. Сени ҳеч ким безовта қилмайди. Ҳеч қандай мажбурият ҳам юкланмайди.



НАВОИЙ: ЧОРВАЧИЛИККА МУНОСАБАТ НЕГА БУНЧАЛАР СОВУК?

Бу фикрлар вилоятдаги бир чўпоннинг гаплари эмас. Қолаверса, бу иллатлар бир ёки икки хўжаликка ҳам хос эмас. Бунинг устига «картани очиб ташлаган» чўпонлар: «Сенга нима, исми-шарифимизни тиркаб ёзиб юбораверсан-да, эртага калтак яна бизнинг бошимизда синида», дейишмоқда. Начора, улар ҳақ, Шу боис уларнинг исми-шарифларини хозирча сир тутамиз.

Аммо яна шуни ҳам айтиш лозимки, гап бу ерда чўпоннинг дардида эмас, вилоятда дағал-хашак тайёрлаш ва чорвачилик муаммолари ҳусусида бормоқда. Вилоятнинг чорвачиликка ихтисослашган учта йирик туманларида раҳбарлар янгилади. Бироқ, чорвачиликка бўлган муносабат ҳозирча ўзгаргани йўқ. Қайси бирини борманг, олдингизга ўнлаб муаммони қаторлаштириб ташлайди. Булар ҳақида, албатта ёзинг, дейишди. Муаммоларнинг эса чек-чегараси йўқ. Уларни қандай қилиб ҳал этиш, йўл-йўриқлари тўғрисида бирор бир жуяли фикр эшитмайсиз. Ахир маълумотсиз, умри йилдада ўтаётган олдин чўпон, ўз муаммосини уч қўйга алмашиб бўлса-да, ҳал этаёлти-ку?! Наҳотки, туман раҳбарлари бу «каш-фиё»дан беҳабар бўлишса?

Биргина мисол: Навоий дон маҳсулотлари комбинатининг бош директори А. Ализов жунга харидор топиб, вилоят хўжаликлари билан ушбу саноат хомашсига ун айрибшлади. Бош директордаги иштиёқ, ҳафса ва ишбилармонликнинг вилоятдаги чорвачиликка ихтисослашган хўжаликлар раҳбарларида йўқлиги кимнинг азоби? Чўпоннинг эмасми?

Вилоятда ҳозир ҳар қуни йиллик режанинг ярим фоизи миқдорда дағал-хашак тайёрланмоқда. Иш шу йўсинда давом этаверса, бу боралда қўзланган мақсадла қиш ўтиб ҳам эришиш қийини?..

Темур ЭШБОВ, «Халқ сўзи» мухбири.



«ТИНЧЛИК ЙЎЛИДА ҲАМКОРЛИК» ДАСТУРИ ДОИРАСИДА

Ўзбекистон, Украина, Қозғоғистон ва Қирғизистон армияси бўлимлари илк бор Америка тупроғида ўз давлатлари байроқлари остида сафландилар.

Ўтган сешанба кўни улар Марказий ва Шарқий Европадаги 11 давлат ҳамда Шимолий Атлантика блокига аъзо бўлган уч мамлакат — АҚШ, Канада, Буюк Британия аскарлари билан биргаликда НАТОнинг «Тинчлик йўлида ҳамкорлик» дастури доирасида ҳарбий машқлар ўтказишга киришдилар. Олтинчи марта ўтказилаётган бу машқларда Марказий ва Шарқий Европа ҳамда Марказий Осиё давлатлари аскарларига ҳарбий техника ва оғир қурооларни Америка Қўшма Штатлари тақдим этди.

«МАСЛАХАТЛАШУВЛАР ДАВОМ ЭТИШИ»НИ МАЪЛУМ ҚИЛДИ

Оқ уй вакили Майкл Маккерри ва Борис Ельциннинг музокаралар ўтказиш учун Сербия ва Хорватия президентларини Москвага таклиф этиш ҳақидаги ташаббуси муносабати билан Америка Қўшма Штатлари ва Россия Федерацияси ўртасидаги «Маслаҳатлашувлар давом этиши»ни маълум қилди.

Унинг фикрича, муҳолиф томонлар музокараларида «Мулоқот гуруҳи» таклиф этган ва Россия томонидан қўллаб-қувватланган мурося режасининг қабул қилинишига эришилиши керак.

ХОРВАТИЯГА ҚАРШИ ЖАЗО ЧОРАЛАРИНИ ҚўЛЛАШ УЧУН

Югославия Иттифоқдош Республикаси (ЮИР) Серб краинисига қарши ҳужум бошлагани учун Хорватияга қарши жазо чораларини қўллаш мақсадида БМТ Хавфсизлик кенгаши мажлисини ўтказишни талаб қилди.

ЮИРнинг БМТдаги доимий ваколатхонаси муваққат ишлар вакили Д. Жекич Югославия ҳукумати муҳолиф томонларнинг муаммоларни музокаралар йўли билан ҳал этиш тарафдори эканини айтди.

ТЕКШИРУВЛАР ЎТКАЗАЁТГАН ЭКАН...

РАТА-ТАСС ахборот маҳкамаси мухбирининг хабар беришича, АҚШ Мудофаа вазирлиги ҳарбий академияси хизматчиси Кристиньяк ўрасидаги Федерал Хавфсизлик Хизмати бошқармаси ходимлари томонидан қўлга олинган.

Маълум бўлишича, АҚШ фуқароси Россиянинг энг йирик дон марказларидан бири бўлган Красноярск-26 туманидаги кон-кимё комбинати минтақасида махсус геология қурилмаси ёрдамида текширувлар ўтказётган экан. Воқеа тафсилотлари ўрганилмоқда.

ВАКОЛАТИ УЗАЙДИ

БМТ Хавфсизлик кенгаши Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Анголадаги назорат миссияси ваколатини 1996 йил 8 февралгача узайтирди.

Шу муносабат билан қабул қилинган ҳужжатда Ангола ҳукумати ва УНИТА гуруҳининг музокараларда эришилган битимларга риоя қилаётганидан мамнуният иҳзор этилади.

ТАШАББУС ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНДИ

Япония Россия Федерацияси Президентини Борис Ельциннинг Москвада Сербия ва Хорватия раҳбарлари ўртасида музокаралар ўтказиш тўғрисидаги ташаббусини қўллаб-қувватламоқда.

Япония Ташқи ишлар вазирлиги масъул ходимининг РАТА-ТАСС ахборот маҳкамаси мухбирига маълум қилишича, бу музокаралар собиқ Югославия муаммосини бартараф қилиш имкониятларини юзга чиқариши мумкин.

ЯШИРИН ВИНО ЗАВОДЛАРИ АНИҚЛАНМОҚДА

Россия милицияси яширин вино заводларини аниқлаш борасида бир қанча тадбирлар ўтказди.

Мурманскда амалга оширилган шундай операцияларнинг бирида миллионерлар 50 тонна спирт ва ундан тайёрланган қўлбола ароқларни қўлга туширишди.

Маълум бўлишича, бу қўлбола ароқларни истеъмол қилиш натижасида йил бошидан буён шаҳарда 700 киши заҳарланиб касалхонага тушган, 100 киши ҳаётдан кўз юмган.

ЭКОЛОГЛАР АНЖУМАНИ

Сан-Францискода 116 мамлакатдан 2 миң нафар ёш табиати муҳофазаси қилувчилар иштирокида экология анжумани бошланди.

Ўртача ёши 25 дан ошмайдиган конференция қатнашчилари бир ҳафта давомида XXI асрда атроф муҳитни муҳофазаси қилиш соҳасидаги фаолият дастурини муҳокама қилдилар.

БЕЛОРУССИЯГА ЕТИБ КЕЛДИ

Шу йил январь ойида Брюсселда бошланган «Ядросиз дунё учун» халқаро марши иштирокчилари Беларуссияга етиб келдилар.

«Она замин учун» халқаро мустақил нотижорат ташкилоти томонидан уюштирилган бу тадбир жаҳон ҳамжамияти эътиборини ядро асининг ижтимоий, экологик ва иқтисодий оқибатларига жалб этиш ҳамда энергиянинг бошқа манбаларини тартиб қилиш мақсадида ўтказилмоқда. Марш 12 октябр кўни Москвада ниҳонисига етади.

Нархининг 15 фоизини тўлаб, тайёр ускуналарни имтиёзли шартлар билан олиш имкониятига эгасиз!

Ўраш-қадоклаш ускуналарни тажриба-конструкторлик бюроси тўлдирди эшадди:

- саноат учун сабзавот майдалагичлар 1500 кг/соат;
○ вино, газли ичимлик, шарбатларни куйиш ва тиқинлаш линиялари;
○ ёрлиқ ёпиштирувчи автоматлар;
○ инспекция—машиналар;
○ вино ва бошқа суюқликларни куйиш учун марказдан қочма насослар;
○ қишлоқ хўжалик экинлари ва бошқа мўрт маҳсулотларни майдалайдиган қурилма.

Узил—кесил тўлов тайёр маҳсулотни олганингиздан кейин икки ой ичيدا амалга оширилади.

Манзил: 700020, Тошкент, Бобур кўчаси, 77. Телефон: 55-16-11. Факс: (3712) 55-14-70.

«DAEWOO» видео, телевизорлари пул ўтказиш билан. Тел.: 93-09-29.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги жамоаси Вазирлиқнинг Бухоро вилояти бўйича назорат-тадқиқ бошқармаси бошлиги Қажор Саломовга ўғли. АЛИШЕР САЛОМОВНИНГ бевақ вафот этганлиги муносабати билан чўкур таъзия иҳзор қилади.

«МУСҲАҚИЛЛИК» ПУЛ-БУЮМ ЛОТЕРЕЯСИ

«МУСҲАҚИЛЛИК» пул-буюм лотереясини сотиб олиб, Сиз катта ютуқ соҳиби бўлишингиз мумкин.

ЮТУҚЛАР ТИРАЖИДА АВТОМОБИЛААР, ТЕЛЕРАДИОАППАРАТУРАЛААР, МЕБЕЛЬ ТўПАЛАМАЛАРИ, ЭЛЕКТРЖИҲОЗЛААР, КИР ЮВИШ МАШИНАЛАРИ ВА БОШҚА ТУРДАГИ ХААҚ ИСТЕЪМОЛИ МОЛЛАРИ ўЙНАЛАДИ.

Лотерея билетларини Жамфарма банкнинг барча муассасаларидан, алоқа бўлимларидан, савдо ташкилотларидан ҳамда жамоатчи тарқатувчилардан сотиб олишингиз мумкин.

Ютуқлар тиражи 1995 йил 29-30 август кунлари Тошкент шаҳрида ўтказилади.

Тўлиқ маълумотларни Жамфарма банкнинг исталган муассасасидан, алоқа бўлимларидан ёки қуйидаги телефонлар орқали билиб олишингиз мумкин. 33-51-95, 45-35-49, 45-66-43.

СИЗГА ОМАД ШИЛАЙМИЗИ! МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ, МАРКАЗИЙ ЖАМФАРМА БАНК, АЛОҚА ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКСАВДО, ЎЗБЕКБИРЛАШУВ

Шеърят

ОЙНИ ЎРОҚ ҚИЛДИМ, СОМОНЙЎЛ - СУРНАЙ



МУСТАҚИЛ ЮРТИМИЗ БОЛАЛАРИГА

Ёшингиз учми, тўртми, Исмингиз ё Музаффар, Ё шубҳасиз Озодбек - Озодликка ишорат. Музаффар тонгла келар, Галабага башорат. Ким бўлмангиз, билангиз! Шу озод мамлакатнинг Манглайи ярқираган Бахтли ўғил - қизисиз! Қодирий бобонгизнинг Раъносисиз, суюлми, Анварисиз - мунаввар Тонгларни орзулаган. Хуснигизга тўймаган, Кечалари ўйлаган, Чўлпонинг кундузисиз - Балқиган юлдузисиз. Асрий орзу армонин Муждасида мисл жон Сақлаган Ўзбекистон - Келажакнинг ўзисиз. Боболарнинг ерида Шафақланди истиқбол, Кувончингиз тўққинли, Амусида, Сирида - Елкан ёйди Истиқлол. Юрту жаҳонда битта Темурдек бобонгиз бор. Улугбекдек улуг бор, Алишеру Синодек Дошизманд, допонгиз бор. Учми, тўртми ёшингиз Мағрур тўтинг бошингиз,

Порлоқдир кўшингиз. Оллоҳимдан иноят, Сизу бизга инъом шу. Юртга олий тилакли Отангиздан салом шу. Улуг туркий тилимга Қалқиб келган калом шу.

Юрагимнинг тўрига бир кўр тушди, қуралай кўзгинанга ўхшайди. Тун пардасин сидириб, юзин очган тўлин ой юзгинанга ўхшайди. Шамдек ёнсам малагим, Атрофимда парвона, жони фидо жонона, ўзгинанга ўхшайди. Шу чилвири сочларинг Тун қўйнида тўлганиб, йўлларимда бор бўлдинг. Бир суюлми ёр бўлдинг.

Хаётнинг кўзига боқдим, тап тортмай, Само шундай ерга тўшини кўйди. Юлдузлар марварид тутдай тўкилади. Ойни ўроқ қилдим, самонйўл - сурнай. Юракнинг чигалин ёздим тонггача. Тонггача кўнглимда жаранглади най. Ўқтам МИРЗАЁР.

Спорт

Олимпия уинлари даражасида ўтайдиган, Туроннинг халқларининг азалий дўстлиги намоёнлиги айланадиган спорт беллашувлари яқинлашган сари мутасадди ва мухлисларни тобора кўпроқ янглиқлар кутмоқда.

Марказий Осиё уинларида ҳозирча 200 та медал учун кураш боради. Агар спортчиларнинг маҳорати қўрилгандан ҳам зиёда бўлса, янги совринлар жорий қилиниши мумкин. Алоҳида ҳомиляр кизикчи билан қараб, ўйинчиларни рағбатлантириш учун ўз мукофотларини таъсис этмоқдалар. Бу хайри ишда, албатта, Ўзбекистоннинг йирик фирма, компания ва бошқа ишлаб чиқариш бўғинлари четда қолмайди.

Футбол мавзусида қалам тебратадиган журналистлар ҳам етарлича ижодий муҳитда яшайдилар. Уларга бир қанча муҳим беллашувларни ёритишга тўғри келади. Жумладан, 21-27 август кунлари Фарғона вилоятида «Футбол» ҳафталиги ўтказилади. Меъзонолар ҳафталик хилма-хил воқеаларга бой бўлишини ваъда қилишмоқда. Бундай анъанавий ўйинлар учинчи марта ўтказилапти. Олдинги мусобақалар Жиззах ва Бухорода бўлганди.

ҚАЛАМ АҲЛИНИ МУКОФОТЛАР КУТАДИ

Футбол мавзусида қалам тебратадиган журналистлар ҳам етарлича ижодий муҳитда яшайдилар. Уларга бир қанча муҳим беллашувларни ёритишга тўғри келади. Жумладан, 21-27 август кунлари Фарғона вилоятида «Футбол» ҳафталиги ўтказилади. Меъзонолар ҳафталик хилма-хил воқеаларга бой бўлишини ваъда қилишмоқда. Бундай анъанавий ўйинлар учинчи марта ўтказилапти. Олдинги мусобақалар Жиззах ва Бухорода бўлганди.

Августнинг охирида эса Хитойнинг олимпия терма командаси мамлакатимизга ташриф буюриб, олий лигадаги «Сундиёна», «Янгиер» ва «Навбахор» командалари билан учрашувлар ўтказилади. Мустақиллик куни

арафасида эса кичик турнир ўтказиш мўлжалланган. Унда Германиянинг машҳур командаларидан бири қатнашади. Сентабрийнинг иккинчи ярмида эса Осиё мамлакатлари чемпионлар кубоги ва кубок эгалари кубоги ўйинлари бошланади. Унда «Нефчи» Қозғистон чемпиони «Елимай» командасини, «Янгиер» эса «Турон» (Туркменистон) командасини қабул қилишади.



Қаламқашлар учун 30 сентябрда Тошкентда бошланадиган бокс бўйича Осиё чемпионати муҳим мавзулар бериши мумкин. Негаки, юқори даражада бундай мусобақаларни ўтказиш учун республика бокс федерациясига биринчи марта ишон билдирилмоқда.

Мухбирлар, кино ва фото репортёрлар учун спорт маҳорати олий мактаби ўрта мукофот жорий қилган. Биринчи ўрин учун бирор терма команда билан чет элга сафар, Иккинчи мукофот - 1000 сўм. Учунчи ўринни эгаллаган голлибга спорт кийими берилади. Албатта, ташкилотлар «Пахтакор» стадиони қошидаги шахмат-шашка клубида 23 августда очилган Марказий Осиё ўйинлари матбуот маркази билан фаол ҳамкорлик қилинишига ҳам алоҳида эътибор берадилар. Матбуот марказида яқин хориждан кўпбўли журналистлар рўйхатга олинishi кўтилмоқда. Шундай қилиб, илҳом билан спорт мавзусида қалам сурадиган пайт келди.

Ҳ. САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН ФУТБОЛЧИЛАРИ - ПЕШҚАДАМ

Шу кунларда Тошкентда 1979 йил августда авиация ҳалокати туфайли ҳалок бўлган футболчилар хотирасига бағишланган ёшлар ўртасида халқаро футбол мусобақаси бўлиб ўтмоқда.

Мусобақада мамлакатимиз ёш футболчиларидаи ташқари, уларнинг Россия, Қозғистон, Қирғизистон ва Тожикистондаги тендошлари ҳам иштирок этишяпти.

Мусобақа икки гуруҳда ўтмоқда. Биринчи гуруҳда тўрт ўйиндан сўнг 9 та хол тўплаган Ўзбекистон пойтахти республика олимпиада уринбосарларини тайёрлаш билим юрти командаси пешқадамлик қилаёттир.

Иккинчи гуруҳда Наманган вилоятининг «Хотира» командаси яхши натижа кўрсатаяпти. Унинг ҳисобида 7 та хол бор. (У.А.)



«ПРЕЗИДЕНТ КУБОГИ»

Шу йил 26 августдан 3 сентябргача Тошкентдаги «Юнусобод» спорт комплексида Ўзбекистон Президенти Кубоги учун профессионал теннисчиларнинг Халқаро турнири ўтказилади. Унда жаҳондаги энг кучли теннисчилар иштирок этишади.

ЖУРНАЛИСТЛАР ДИҚҚАТИГА!

«Президент Кубоги» Халқаро теннис турнирига акредитация учун аризалар 24 августгача қабул қилинади (2х3 ҳажмдаги 2 та иложи бўлса, рангли фото зарур). Мурожаат учун манзил: «Халқ сўзи» газетаси. Тел.: 33-15-22.

«Президент Кубоги» турнирининг матбуот маркази.

ХУРМАЯТЛИ ШАДБИРКОРЛАР, ХУСУСИЙ ДОРИХОНА ЭЪЛАРИ!

Республика вилоятларидаги барта шифо масканларининг фазварлари! Хўжалик ҳисобидаги иқтисодий алоқалар «Ўзфармэксим» бирлашмаси билан ҳамкорлик қилинг! У сизга энг ишончли шерик бўла олади.

«Ўзфармэксим» билан ҳамкорлик қилсангиз Тошкентдаги омборларда сақланаётган қўйидаги дори-дармонлар соҳиби бўласиз:

- * ошқозон - ичак ҳасталиклари ва улардаги турли хил жароҳатларни даволовчи;
* оғриқ қолдирувчи;
* оғиз бўшлиғи ва миаклар шомолашига қарши малямавлар;
* асаб системаларини тинчлантирувчи;
* қон ўрини босувчи (гемодез);
* аёллардаги камқонлик касалликлари ва ҳомила тушишининг олдини олувчи;
* турли хил кўринишдаги жароҳатларга қарши;
* болалар шомолашига қарши;
* нафас йўлларида зоҳир бўладиган ҳасталикларга қарши;
* тери ва таносил касалликларига қарши;
* онкология соҳасида ишлатиладиган дори-дармон;
* шунингдек бир мартаба ишлатиладиган шприцлар ҳам бизда исталганича топилади.

«Ўзфармэксим»нинг нархлари энг арзон.



«Ўзфармэксим»даги дори-дармонлар самараси МДХ давлатлари ва хорижий экспертлар томонидан ижобий баҳоланган. Биз билан ҳамкорлик қилишга шошилинг! Чунки миҳозларимиз етарли. Бугунги мавжуд дори-дармонларни ҳафта ўтиб тополмаслигингиз мумкин.

«Ўзфармэксим» шаҳар аҳолисига ҳам пуллик хизмат кўрсатади. Шу мақсадда Тошкентнинг аҳоли гавжум бўлган туманларида ўз дорихоналаримиз ишлаб турибди.

Пишиқчилик, мева-сабзавотларга истеъмол талаби кучайган айни ёз кунларида ошқозон ва ичак йўлларида тушган микробларни бартараф этувчи оддий антибиотикнинг йўқлиги ҳам аҳолининг мушкуллаштириши мумкин. Бундай ҳолатда фақат «Ўзфармэксим»гина жонингизга оро қиради.

Дорихоналаримизга марҳамат қилинг:

- * Юнусобод тумани, 19-мавзе, «Юнусобод-саҳоват» универмаги, 1-қават.
* Мирзо Улубек тумани, метронинг «Горький» бекати. «Саҳват» меҳмонхонаси ёнида.
* «Ўзфармэксим» манзилини эслаб қилинг:
Тошкент шаҳри, Мавлонов кўчаси, 37-уй. «ТашНИИВС» институти биноси, 3-қават.
* Телефон: 34-77-88.

«Ўзфармэксим» Сизни кушади!

Агар 30 ёшдан ошган бўлсангиз, Унда сизга 30+ қувватдори даркор!!!



«Тридцать Плюс» кичик капсуласи ёрдамида сиз оғир иш кунидан кейин ҳам осмонўпар бинонинг сўнгги қаватигача югуриб чиқишга қодир бўласиз.

«Тридцать Плюс» нафақат чарчоқни тарқатади, балки Сиз сарфлаган қувватни тиклайди - у танангизнинг ҳар бир тўқимасига куч ва эпчилликни қайтариб, Сизни яшартиради.

Харид қилиш масаласи бўйича қўйидаги манзилга мурожаат қилинг:

«АДЖАНТА ФАРМА ЛИМИТЕД» ФИРМАСИ:

Тошкент, 700060, Мовароуннаҳр кўчаси, 19-уй.
Телефон: (3712) 32-01-48, 33-48-70
Телефакс: (3712) 33-84-71

ёки Тошкентдаги сотувчи ҳамкорлари: «Иби-Сино» дорихонаси:

(3712) 44-24-34, 40-44-83.
«Фармед» дорихонаси: (3712) 47-98-90.

«Тридцать Плюс»

- ёшлик ва соғломлик демакдир.

ХАЛҚ СЎЗИ НАРОДНОЕ СЛОВО

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Анвар ЖўРАБОВ.

БЎЛИМЛАР: Парламент 33-57-34; Хатлар 33-07-48; Қишлоқ хўжалиги 36-07-94; Иқтисодийёт 36-36-65; Маънавият 36-35-60; Аxbорот 36-29-89; Тунги муҳарририят 33-10-28.

• МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 19-уй.

Навбатчи муҳаррир - А. Йўлдошев. Навбатчи - Ш. Мутаҳҳарон ўғли.